

Сен – қудрат манбаи, садоқат маскани, жонажон Ўзбекистоним!

# БУ КЎНГИЛ ВАТАН ДЕР, КЎЗИМДА ВАТАН



**Бугун Ватан нима ўзи, деган саволни чартер рейслар орқали минг азобда юртимизга қайтиб келган фуқаролардан сўранг. Ватан сенга нима берди, деган саволни чегарада оч қолиб, бир бурда нонга зор бўлганлардан сўранг.**

Синовли кунлар бизни қандай халқ эканлигимизни яна бир бор кўрсатди. Чет давлатдаги фуқароларимиз юрт соғинчи, унинг қадрини чуқурроқ ҳис қилишган бўлса, ажаб эмас. Пандемия сабаб ишидан айрилган, ўзга юртда сарсон саргардон, инсонга энг керак бўладиган бир чимдим меҳрға ташна қалблар туғенини муҳожир-

ликда юрган юртдошларимиз кўпроқ англашди.

Ўзга юртда сени ўзлариникидек асрашмайди, ўйлашмайди, сен учун қайғуришмайди. Лекин Ватанда сени оиланг, қариндошинг, қўшнинг, ҳатто сени танимасада, сен билан ҳамюрт бўлган барча Сен ҳақингда ўйлашади.

Ватан қадрини мана шундай эътиборда, меҳрда билинади. Унинг қадр-қимматини олтин-у тиллоларда ўлчаб бўлмайди. Унинг ҳиди бошқача, унинг иси ўзгача, унинг ери кенг, тафти қайноқ, меҳри тортувчан.

Бу таърифлар онангизни эслатгандир? Ҳа, Ватан – бизга она каби муқаддас.

Айни кунларда биз таъриф бераётган мана шундай гўзал ватанимиз, хур Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигининг 29 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Ватанимиз равнақи йўлида олиб борилаётган ислохотлар шуни кўрсатадики, биз ўзгаришлар, юксалишлар, демократик эркинликлар йўлида илдам қадамларни ташламоқдамиз. Айниқса, охириги йилларда Ватанимизда улкан бунёдкорлик

ишлари, турли соҳаларда ислохотлар, янгиланишлар амалга оширилмоқда, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, ижодкорлик потенциали кундан кунга ўзини намоиш этмоқда. Инсон шуури, иқтидори қадр топаётган замонамизда яшаш, яратиш, меҳнат қилиш, ўсиш, юксалиш бахти бизу сизга аталган экан, бу имкониятлардан фойдаланиш, ғайрат ва шижоат билан шиддатли рақобат майдонида давлатимиз равнақиға хизмат қилиш бахтиға муяссармиз.

Ҳодисалар ва муаммоларнинг илдизини кўра биладиган, қўйилган вазифаларнинг янги, ноодатий ечимларини топа биладиган, ўз фаолиятида хатоларға камроқ йўл қўядиган, ҳар қандай қийин вазиятда ҳам тўғри қарор чиқара биладиган кадрлар мустақил юртимизнинг инновацион тафаккурини яратади. Инсон капиталини ўзида мужассам этадиган омиллар — тафаккур, ғайрат ва шижоат ҳамда Ватанға садоқат ҳеч биримизни тарк этмасин! Олдимизға қўйган улкан мақсадларимиз сари ҳаракатларимиз самарали бўлсин, илм-фандаги ютуқларимиз халқимиз фаровонлиги, бахту иқболиға хизмат қилсин!

**Дилдора АБДУРАҲМОНОВА.**



**Ватан — она алласи таралган, бешигинг излари чизилган замин. Аждодларинг кўмилган қабристон, ота-онангнинг излари қолган кўчалар, сенинг лаҳжангда сўзлашадиган, қош-у кўзи худди сенинг кабилар яшайдиган қадрдон ер — Ватандир!**

**Биринчи бор баҳорни таниган, илк бор варрак учирган, биринчи марта ҳайитлик олган жойинг, биринчи ўқитувчи, биринчи муҳаббатингни танитган макон — Ватандир!**

**Ўз жонидан яратгани учун ҳам она яхши-ю ёмон боласини тишида тишлаб ўтади. Ватан ҳам ўшандай бағри кенг. Қадамларингни кўксига қўйиб, суяб яшайди сени. Осмони кўрпанг, майсаси димоғингни босиб ётадиган муаттар бўлишингдир. Ватан мунғайган тандирли, пастаккина томли кулбангдан бошланади. Унга бўлган муҳаббатинг ҳам шу остонада туғилади.**